# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2021 ЙИЛ – ЁШЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: info@xs.uz • 2021 йил 12 май, № 100 (7880) Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

## ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ҚАТНАШЧИЛАРИНИНГ МОДДИЙ ТАЪМИНОТИНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда кексаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий ҳимоя қилишнинг самарали тизимини шакллантириш, Ватан обрў-эътиборини юксалтиришга, ёшларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялашга фаол қатнашаётган қарияларни эъзозлаш ҳамда фашизм устидан қозонилган ғалабага муносиб ҳисса қўшган фахрийларнинг моддий таъминотини янада кучайтириш мақсадида:

1. **2021 йил 10 майдан бошлаб** 1941 — 1945 йиллардаги уруш ногиронлари ва қатнашчилари, шунингдек, фашистлар концлагерларининг вояга етмаган собиқ маҳбуслари ва Ленинград шаҳри қамал қилинган даврда ишлаган шахсларнинг энг кам пенсия миқдори устамаларни инобатга олган ҳолда — **2,5 миллион сўм этиб белгилансин**.

2. Мазкур Фармонни бажариш билан боғлиқ бўлган сарф-харажатлар Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ва республика бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

3. Молия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларга ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

4. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2021 йил 11 май

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

## ХИЗМАТЛАР СОҲАСИНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Хизматлар соҳасининг мамлакатимиз иқтисодиётидаги улушини кўпайтириш, жойларда хизматлар соҳасидаги мавжуд имкониятларни тўлиқ ишга солиш, хизматлар турларини кенгайтириш ва сифатини ошириш бўйича ўз ечимини кутаётган муаммоли масалаларни ҳал қилиш, мазкур йўналишда тадбиркорлик субъектларини янада қўллаб-қувватлаш, уларнинг ғоя ва ташаббусларини рағбатлантириш мақсадида:

1. 2021 — 2023 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизматлар соҳасини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари этиб қуйидагилар белгилансин:

иқтисодий ўсишни таъминлашда хизматлар соҳасини **муҳим драйверга айлантириш** ва **2023 йилга қадар** хизматлар ҳажмини **икки бараварга ошириш**;

аҳолига тайёр бизнес режалар ва лойиҳалар тақдим этиш, уларни касбга ўқитишдан тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишгача бўлган босқичларни қамраб олувчи **"комплекс хизматлар" кўрсатишни ташкил этиш**;

республикада **хизматлар соҳасининг ривожланганлигини баҳолаш тизимини жорий этиш** орқали давлат органлари ва ташкилотларининг бу борадаги фаолияти самарадорлигини ошириш ва мансабдор шахсларнинг масъулиятини кучайтириш;

хизматлар соҳасида ортиқча бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, ҳар бир **ҳудуднинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб хизматлар турларини кенгайтириш**, ҳудудларда, айниқса, қишлоқ жойларда транспорт, молиявий, шунингдек, банк, туризм ҳамда савдо хизматлари қамровини кенгайтириш;

республиканинг барча ҳудудларида мавжуд таълим ва соғлиқни сақлаш хизматлари салоҳиятини ошириш, уларнинг сифатини яхшилаш, бунда хусусий секторни жалб қилиш учун **қулай иқтисодий ва инфратузилмавий шароитларни яратиш**.

2. Қуйидагилар:

2021 — 2023 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизматлар соҳасини ривожлантиришнинг **мақсадли параметрлари** 1.1-1.15-иловаларга мувофиқ;

Хизматлар соҳасини ривожлантириш бўйича 2021 йилга мўлжалланган **"Йўл харитаси"** 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (С.Холхўжаев) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2022 ва 2023 йиллар учун хизматлар соҳасини ривожлантириш бўйича "йўл хариталари"ни **ҳар йили 1 декабрга қадар** ишлаб чиқиб, тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритиб борсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари бир ой муддатда 2021 — 2023 йилларда **хизматлар соҳасини ривожлантириш ҳудудий дастурларини** тасдиқласин.

Бунда ҳудудий дастурларга **ташаббускор тадбиркорларнинг ғоялари** асосида **аҳолининг эҳтиёжи мавжуд хизматларни** йўлга қўйиш бўйича лойиҳаларни киритиш, шунингдек, жойларда мазкур хизматларни кўрсатувчи **"хизмат кўрсатиш мажмуалари"**ни ташкил этилиши назарда тутилсин.

4. **2021 йил 1 июлдан бошлаб** республика ҳудудларида қуйидагиларни назарда тутувчи **хизматлар соҳасининг ривожланганлиги рейтинги** жорий этилсин:

хизмат кўрсатувчи, шу жумладан, янги ташкил этилган субъектлар сони, хизматлар ҳажми ва турлари, яратилган иш ўринлари, солиқ базаси ва бошқа муҳим кўрсаткичлар асосида тегишли соҳаларга масъул бўлган давлат органлари ва ташкилотлари, уларнинг ҳудудий бўлинмалари раҳбарлари ва бошқарув ходимлари, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман (шаҳар)лар ҳокимлари ва уларнинг ўринбосарлари фаолиятини баҳолаш;

хизматлар соҳасининг ривожланганлиги рейтингини "BUSINESS INDICATOR" автоматлаштирилган онлайн ахборот тизимида шакллантириш, юритиш ва эълон қилиш;

баҳолаш натижаларини ҳар ярим йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш;

баҳолаш натижалари бўйича тегишли ташкилотларнинг раҳбар ва бошқарув ходимлари, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман (шаҳар)лар ҳокимлари ва уларнинг ўринбосарлари ижобий кўрсаткичга эга бўлганда — уларни рағбатлантириш ҳамда қониқарсиз кўрсаткичга эга бўлганда — интизомий жавобгарликка тортиш.

5. Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан хизматлар соҳасини ривожлантириш учун тижорат банкларига **300 миллион АҚШ доллари** эквивалентида кредит линияси очилсин.

Белгилансинки:

кредит линиясининг **150 миллион АҚШ доллари** миқдоридаги маблағлари (**1-транш**) 2021 йил 1 июлгача **3-иловага мувофиқ** тақсимот бўйича ажратилади;

**(Давоми 2-бетда).**

Олий Мажлис Сенатида

## ЮҚОРИ ПАЛАТА РАИСИНИНГ БИРИНЧИ ЎРИНБОСАРИ ФРАНЦИЯ ВАЗИРИ БИЛАН УЧРАШДИ

*Кеча Олий Мажлис Сенати Раисининг биринчи ўринбосари С. Сафоев Франция ташқи савдо ва иқтисодий жалб этувчанлик бўйича вазир-делегати Ф. Риестер билан учрашди.*

Учрашувда Ўзбекистон — Франция ҳамкорлиги, шу жумладан, парламентлараро алоқаларни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди. Шунингдек, транспорт, туризм, саноат, маданий-маърифий соҳаларга доир икки томонлама муносабатлар юзасидан фикр алмашилди.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон ва Франция ўртасидаги муносабатлар сезиларли даражада мустаҳкамланиб бораётгани, томонлар турли йўналишларда, энг аввало, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар ҳамда туризм соҳаларида катта салоҳиятга эга экани таъкидланди.

Ф. Риестер Ўзбекистон Президенти томонидан барча соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларни юқори баҳолади.

Олий Мажлис Сенатининг янги таркибида Франция Республикаси Сенати билан ҳамкорликни ривожлантириш бўйича гуруҳ иш олиб бораётган бўлса, Франция парламенти юқори палатасида "Франция — Марказий Осиё" парламентлараро гуруҳи самарали фаолият кўрсатиб келаётир. Бу икки мамлакат ўртасидаги муносабатларни кенгайтириш ва чуқурлаштиришда муҳим роль ўйнаши қайд этилди.

## ИСТИҚБОЛЛИ ЙЎНАЛИШЛАР ЮЗАСИДАН ФИКР АЛМАШИЛДИ

*Шу куни Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси раиси Р. Алимовнинг Украинанинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси М. Дорошенко билан учрашуви бўлиб ўтди.*

Унда икки томонлама муносабатларнинг бугунги ҳолати ва уни ривожлантириш истиқболлари муҳокама этилди. Томонлар Ўзбекистон ҳамда Украина ўртасидаги савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар ҳамкорлик йўналишларига алоҳида тўхталди. Парламентлараро ўзаро ҳамкорликни фаоллаштиришга қаратилган қўшма тадбирлар хусусида фикр алмашилди.

Қайд этилишича, 2020 йилда Ўзбекистон парламенти юқори палатасида Украина Олий Радаси билан ҳамкорлик гуруҳи тузилган. Шу йил март ойида эса Олий Радада Аграр ва ер сиёсати қўмитаси раисининг ўринбосари С. Чернявский бошчилигида Олий Мажлис билан парламентлараро алоқалар гуруҳи ташкил этилган.

Томонлар саноат кооперациясини кенгайтиришдан, хусусан, автомобиль ишлаб чиқариш, фармацевтика ва бошқа соҳаларда ҳамкорлик қилиш ҳамда товарлар экспорти ва импортида транспорт-логистика инфратузилмасидан самарали фойдаланишдан ўзаро манфаатдор эканлигини тасдиқлади. Ўзаро савдо ҳажмини кўпайтириш, биргаликда илмий ҳамда таълим лойиҳаларини амалга ошириш бўйича таклифлар кўриб чиқилди.

Учрашувда икки мамлакат қонун чиқарувчи органлари ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш, қонун ижодкорлиги ва парламент назорати йўналишида тажриба алмашиш Ўзбекистон — Украина алоқаларини янада кенгайтиришга хизмат қилиши таъкидланди.

**«Халқ сўзи».**

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

## Шахсга доир маълумотларни ноқонуний тарқатганлик учун жавобгарлик қандай бўлади?

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзЛиДеП фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.*

*Унда дастлаб "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимча киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинди.*

Қонун лойиҳасининг бир неча моддаларига аниқлаштирувчи ва қўшимча ўзгартишлар киритилиб, таҳририй тузатишлар қилинди. Етказилган зарарни аниқлаш усуллари ҳамда уни ундириш тартиби қонун лойиҳасининг ўзида белгилаб қўйилди. Халқ вакиллари қонун лойиҳасининг қабул қилиниши натижасида ҳарбий хизматчиларнинг давлатга етказилган зарар учун моддий жавобгарлиги қонун даражасида белгиланишини ҳисобга олиб, уни маъқуллашди.

Йиғилишда "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ҳам кўриб чиқилди. Ушбу қонуннинг 13-моддаси билан 2019 йил 2 июлда қабул қилинган "Шахсга доир маълумотлар тўғрисида"ги Қонунга ўзгартиш киритилган.

Яъни эндиликда мулкдор ва (ёки) оператор Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг шахсга доир маълумотларига ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда ишлов беришда, шу жумладан, интернет жаҳон ахборот тармоғида ишлов беришда Шахсга доир маълумотлар базаларининг давлат реестрида рўйхатдан ўтказилган маълумотлар йиғилиши, тизимлаштирилиши ва сақланишини таъминлаши шарт.

➔ 2

Ўзбекистон — Швеция:

## ПАРЛАМЕНТЛАРАРО АЛОҚАЛАР БУНДАНДА МУСТАҲКАМЛАНАДИ

*Тараққиётнинг янги даврида халқаро алоқаларни мустаҳкамлаш, конструктив ташқи сиёсат олиб боришда парламент дипломатияси ҳам муҳим ўрин тутмоқда. Бунда хориж давлатлари парламентлари билан дўстлик гуруҳлари имкониятларидан кенг фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.*

### Эътироф

Кеча парламент қуйи палатасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Швеция Риксдаги парламентлараро ҳамкорлик гуруҳининг учрашуви видеоконференцалоқа шаклида ўтказилди.

Унда дўстлик гуруҳига аъзо депутатлар, Швеция Риксдагининг Марказий Осиё мамлакатлари парламентлари билан ҳамкорлик гуруҳи раиси Ханна Вестерен раҳбарлигидаги дўстлик гуруҳлари аъзолари иштирок этишди.

Учрашувда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси раиси Дилором Файзиева томонидан палата фаолияти, сиёсий партиялар фракциялари, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ҳамда Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва халқимизга йўллаган Мурожаатномаси асосида бугунги кунда олиб борилаётган ислоҳотлар тўғрисида батафсил маълумот берилди.

Мулоқотда томонлар ҳамкорликни янада ривожлантириш, инсон ҳуқуқлари, гендер тенглик соҳаларида мунтазам тажриба алмашишга келишиб олди. Шунингдек, Швеция парламенти вакиллари Ўзбекистон Республикаси ва Европа Иттифоқи ўртасида кенгайтирилган алоқаларни йўлга қўйишда амалий ёрдам беришини ҳамда қўллаб-қувватлашини билдирди.

Суҳбат чоғида Швеция Риксдаги вакиллари Ўзбекистонда ўтказиладиган Президент сайловида кузатувчи сифатида иштирок этишга қизиқиш билдиришди.

Учрашувда икки томонлама ҳамкорликни кенгайтиришда парламентлараро алоқаларни янада чуқурлаштириш муҳимлиги таъкидланди. Боиси айнан парламентлараро алоқалар икки томонлама ҳамкорликни барча соҳада янада кенгайтириш учун халқаро шартномаларни тезкор равишда ратификация қилишда муҳим роль ўйнайди.

Мулоқот якунида парламентлараро мулоқотни турли даражада фаоллаштириш, икки томонлама ва халқаро кун тартибидаги долзарб масалалар бўйича доимий маслаҳатлар олиб борилишига келишиб олинди. Бу борада аниқ чора-тадбирлар тўғрисида таклифлар берилди ҳамда ўзаро ҳамкорликда "Йўл харитаси" ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишига келишилди.

Швеция Риксдаги (парламенти)нинг Марказий Осиё мамлакатлари парламентлари билан ҳамкорлик бўйича дўстлик гуруҳи билан онлайн учрашувида Олий Мажлис Сенати Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси раиси Б. Тожиев ҳам иштирок этди.

**«Халқ сўзи».**

Парламент назорати

## АҲОЛИГА ТИББИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СИФАТИ ОШИРИЛАДИ

*Юртимизда барча соҳада бўлгани каби соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар изчил давом эттирилмоқда. Аҳоли саломатлигини сақлаш борасида белгиланган устувор вазифалар ижросини таъминлаш, тиббиёт ходимларининг салоҳиятини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратишга қаратилган бир қатор ҳужжатлар қабул қилинди.*

Жамоатчилик томонидан тиббий хизматлар кўлами ва сифатини яхшилаш юзасидан билдирилган таклифлар инобатга олиниб, аҳолига қулай бўлган "Электрон поликлиника" тизими йўлга қўйилди.

Хусусан, Сирдарё вилоятида давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 12 ноябрдаги "Соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этишнинг янги модели ва давлат тиббий суғуртаси механизмларини Сирдарё вилоятида жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори билан бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида оилавий шифокор, унинг ўрта тиббиёт ходимларидан иборат терапия ва педиатрия йўналишлари бўйича ёрдамчилари, патронаж ҳамширалари ҳамда доядан ташкил топган гуруҳларни тузиш ишлари бошланди.

➔ 2

## ШУКРОНАЛИК, МЕҲР-ОҚИБАТ ВА САХОВАТ АЙЁМИ

*Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.*

*Меҳр-оқибат айёми бўлган Ийдул фитр — Рамазон ҳайити арафасида турибмиз. Мана шундай файзли кунларга етказгани учун Ҳақ таборака ва таолога чексиз шукроналар айтамиз. Фазилатли онларда Қодир Аллоҳдан халқимизга қут-барака, бахту саодат ва тинчлик-офият беришини сўраб дуолар қиламиз.*

*Куни кеча Президентимизнинг "Рамазон ҳайитини нишонлаш тўғрисида"ги қарори эълон қилинди. Ушбу ҳужжатда белгиланган муҳим вазифалар ҳайит айёмининг юртимизда кўтаринки руҳда ўтишида асосий омил бўлади.*



### Муносабат

Жумладан, Рамазон ҳайитининг карантин талабларига мувофиқ, халқимизнинг миллий ва диний анъаналарига мос равишда нишонланиши юртдошларимизда байрам кайфиятини янада оширади.

Алҳамдулиллаҳ, Рамазон ойида юртимизга Аллоҳ таолонинг раҳмати ёғилди. Мўмин-мусулмонлар субҳидамда саҳарлик дастурхони атрофида ибодатга киришдилар. Файзли оқшомларда эса ифторлик қилиб, қалб роҳати — таровеҳ намозларини адо этдилар.

1400 га яқин жоме масжидларида хатми Қуръонлар қилинди. Мўмин-мусулмонлар Ҳақ таоло Каломига сомеъ бўлдилар. Яратган Парвардигордан илтижо қилиб сўраймизки, мана шундай улуғвор ишлар шарофатидан мамлакатимиздаги осойишталикни бардавом, ризқ-рўзимизни тўкин қилсин ва коронавирус хасталигини бутун дунёдан, хоссатан, юртимиздан кўтарсин.

Меҳр-мурувват ойи — Рамазонда халқимизнинг ҳимммати баланд, шижоати юксак бўлди, ота-оналар, қариндош-уруғлар, қўни-қўшнилар, кексалар, устозлар, беморлар ва муҳтожларнинг кўнгли олинди. Аллоҳ таоло фарз қилган закотлар адо этилди, фитр садақаси ҳамда фидялар берилди.

➔ 4

## ИЛМ-ФАН ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИНТЕГРАЦИЯСИ

### ПАХТА ТОЗАЛАШ САНОАТИ РИВОЖИДА ҲАЛ ҚИЛУВЧИ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТМОҚДА

*Қайси соҳа бўлмасин, унинг тараққиёти негизида илм, билим ётади. Шу боис юртимизда ислоҳотларнинг янги босқичида илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини чуқурлаштириш, амалиётга фан-техника ютуқларини кенг жорий этишга устувор аҳамият қаратиляпти. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки рақобат кун сайин кучайиб бораётган ҳозирги шароитда ишлаб чиқариш корхоналарини техник ҳамда технологик жиҳатдан янгиламасдан, инновацияларни қўлламасдан туриб, ички ва ташқи бозордан жой эгаллаш ўта мушкул.*

### Изланиш

Дарҳақиқат, бозор иқтисодиётининг ушбу қонунияти пахта тозалаш саноатига ресурс тежамкор техника ва технологияларни қўллаш, янги ишланмалардан кенгроқ фойдаланиш учун катта туртки бўлмоқда. Бунда ўзининг салкам бир асрлик тарихига эга "Пахтасаноат илмий маркази" акциядорлик жамияти илмий жамоаси кўп йиллик изланишлари маҳсуллари бўлган илмий тадқиқот, тажриба-конструкторлик ишлари билан яқиндан кўмак бермоқда. Натижада пахтани қайта ишлаш корхоналари фаолиятининг самарадорлигини оширишга эришилмоқда.

Собиқ иттифоқда ягона бўлган Пахта тозалаш саноати марказий илмий-тадқиқот институти (ЦНИИХПром)нинг ҳуқуқий вориси ҳисобланган "Пахтасаноат илмий маркази" АЖ бундан 95 йил муқаддам ташкил этилган эди. 1926 йил 3 сентябрда Тошкент шаҳридаги 50-сонли захира заводи илмий муассаса вазифаларига эга бўлган Биринчи тажриба пахта тозалаш заводига айлантирилади. Шу тариқа Туркистонда 1917 йилгача мавжуд бўлган 296 та пахта тозалаш корхонасидан сақланиб қолганлари орасидан танлаб олинган мазкур тажриба заводида илк бор пахтани қайта ишлаш муаммолари илмий ёндашувлар асосида ўрганилиб, уларни ҳал этишга киришилади.

1936 йилда тажриба заводи Пахта тозалаш саноати марказий илмий-тадқиқот институтига айлантирилгач, пахтани дастлабки қайта ишлаш соҳасининг барча масаласини мувофиқлаштирувчи илмий ташкилот сифатида фаолият юритади.

Бой тарихга эга мазкур муассаса ишида, айтиш жоизки, 2018 йил 23 февралдаги "Пахтасаноат илмий маркази" акциядорлик жамиятининг фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент қарори туб бурилиш ясади.

➔ 3

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

# ХИЗМАТЛАР СОҲАСИНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

кредит линияси маблағлари тижорат банкларига 7 йил муддатга, шу жумладан, 3 йиллик имтиёзли давр билан фоиз ставкаси Марказий банкнинг асосий ставкасидан 4 фоиз бандга паст қилиб берилади;

кредит линиясининг **2-транши** 1-траншнинг ишлатилиши самарадорлигини баҳолаш натижалари бўйича Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги таклифига асосан Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган тақсимот бўйича **ажратилади**;

тижорат банклари томонидан кредитлар **4-иловага мувофиқ хизматлар соҳасидаги лойиҳаларни** амалга ошириш (молия соҳасини ривожлантириш бўйича лойиҳалар ва хизматлар соҳасида айланма маблағларни тўлдириш ҳоллари бундан мустасно) учун 5 йилгача муддатга Марказий банкнинг асосий ставкасида битта лойиҳа бўйича 2 миллиард сўмгача миқдорда ажратилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари тижорат банклари кредитлари ҳисобига амалга оширилаётган лойиҳаларга қўшимча равишда **лойиҳа ташаббускорларининг камида юқорида кўрсатилган миқдорлардаги ўз маблағлари ҳисобидан қўшимча лойиҳалар** ишга туширилишини таъминласин.

6. "Ўзмиллийбанк" АЖ тижорат банкларига қайта молиялаштириш мақсадида 2021 йил якунига қадар 28 та йирик ва ўрта шаҳарларда туризм, транспорт, тиббиёт, таълим объектлари ва йирик савдо комплексларини ташкил этиш лойиҳалари учун халқаро молия институтларининг **200 миллион АҚШ доллари** миқдоридаги маблағларини жалб қилсин.

7. "Ўзмиллийбанк" АЖ ҳузурида **Хизматларни ривожлантириш бўйича лойиҳа-таҳлилий марказ** (кейинги ўринларда — Марказ) ташкил этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Н.Хусанов) Савдо-саноат палатаси (А.Икрамов) ва Марказ билан биргаликда хизматлар соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш учун малакали мутахассисларни жалб қилган ҳолда аҳолини касбга ўқитиш бўйича ўқув курсларини ташкил қилсин.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

2021 — 2023 йиллар давомида **ташаббускор тадбиркорлик субъектлари томонидан** 5-иловага мувофиқ туман (шаҳар)ларда **деҳқон бозорлари ва савдо комплекслари барпо этилишида** кўмаклашсин;

Туризм ва спорт вазирлиги билан биргаликда 2021 йил 1 сентябрга қадар йирик шаҳарларда, вилоят ва туман марказларида ташаббускор тадбиркорлик субъектлари билан ҳамкорликда **савдо ва кўнгилочар кўчалар** ташкил этилишини таъминласин.

9. Янги ташкил этиладиган **деҳқон бозорлари ва савдо комплекслари** устав капиталида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг мажбурий иштироки бекор қилинсин.

10. **Савдо ва кўнгилочар кўчаларда:**

кўчма савдо объектлари учун жойлар тадбиркорлик субъектларига электрон онлайн-аукцион асосида сотилсин;

барча тадбиркорлик субъектларига жамоат хавфсизлиги қоидаларига қатъий риоя қилган ҳолда **24 соат** мобайнида туну кун фаолият юритиш ҳуқуқи берилсин.

11. Ички ишлар вазирлиги Миллий гвардия билан биргаликда бир ой муддатда савдо ва хизмат кўрсатиш объектларининг 24 соат мобайнида туну кун фаолият юритишига доир жамоат хавфсизлиги бўйича соддалаштирилган талабларни ўрнатишни назарда тутувчи Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

12. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ички ишлар вазирлиги (П.Бобожонов) ҳамда Давлат божхона қўмитаси (М.Азимов) билан биргаликда божхона постлари ҳудудидаги бўш ер участкалари ҳамда 6-иловага мувофиқ йўл-патруль хизмати постлари ҳудудидаги ер участкалари тадбиркорлик субъектларига **савдо ва хизмат кўрсатиш объектларини барпо этиш** учун ажратилишини таъминласин.

Давлат божхона қўмитаси (М.Азимов) **икки ҳафта муддатда** тегишли идоралар билан биргаликда божхона постлари ҳудудидаги бўш ер участкаларининг тасдиқланган рўйхатини ўз расмий веб-сайтига жойлаштирсин ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳокимликларига тақдим этсин.

Белгилансинки, ушбу бандда назарда тутилган ер участкалари тадбиркорлик субъектларига лойиҳа асосида савдо ва хизмат кўрсатиш мақсадларида енгил турдаги қурилмалар барпо этиш учун камида 3 йил муддатга ижарага берилади.

13. Давлат органлари ва ташкилотлари жойлашган ер майдонлари ва бино-иншоотлардан самарали фойдаланишни таъминлаш бўйича ишчи гуруҳи 7-иловага мувофиқ ташкил этилсин.

Ишчи гуруҳи (Ж.Қўчқоров) **икки ой муддатда**:

ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурлари доирасида давлат органлари ва ташкилотлари учун бино ва иншоотлар қуришни мақбуллаштирган ҳолда уларни тадбиркорлик субъектларига тегишли биноларда ижара асосида жойлаштириш тизимини кенг жорий қилиш чораларини кўрсин;

дастлабки босқичда Тошкент шаҳрининг Олмазор, Миробод ва Яккасарой туманларида давлат органлари ва ташкилотлари жойлашган ер участкалари ва бино-иншоотларни хатловдан ўтказган ҳолда уларнинг майдонларини танқидий кўриб чиқсин ва тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатиш объектларини барпо этиш учун ажратиш мақсадида мақбуллаштириш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

Бунда давлат органлари ва ташкилотларида бўш турган, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 апрелдаги ПҚ–5053-сон қарорига мувофиқ штат бирликлари мақбуллаштирилиши натижасида бўшаган ер участкалари, бино-иншоотлар ва жойлар мавжудлиги инобатга олинсин.

14. **2021 йил 1 сентябрдан бошлаб** масофавий (онлайн) таълимга асосланган нодавлат таълим хизматларини кўрсатиш учун мулкий ёки бошқа ашёвий ҳуқуқлар асосида биноларнинг мавжуд бўлиши ҳақида талаб бекор қилинсин.

15. Давлат статистика қўмитаси 2021 йил 1 октябрга қадар хорижий ва маҳаллий экспертларни жалб қилган ҳолда хизматлар статистикасини юритишни, жумладан, ахборот-коммуникация ва дастурлаш хизматларини ҳисобга олиш методологиясини халқаро стандартлар асосида такомиллаштирсин, республика ҳудудларида хизматлар соҳасининг ривожланиш ҳолатини ҳамда самарадорлигини таққослаш имконини берувчи ҳисобот шакллари ва методологияларни ишлаб чиқсин.

16. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (С.Холхўжаев) Давлат статистика қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси, Савдо-саноат палатаси, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда:

**бир ой муддатда** хизматлар соҳасининг ривожланганлигини баҳолаш тартиби ва методологиясини назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

**уч ой муддатда** "BUSINESS INDICATOR" автоматлаштирилган онлайн ахборот тизимининг мазкур қарор талабларидан келиб чиқиб такомиллаштирилишини таъминласин;

**бир ой муддатда** қонунчилик ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

17. Мазкур қарор ижросини **самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар** этиб Бош вазир ўринбосарлари Ж.А.Қўчқоров ва С.Ў.Умурзаков, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари белгилансин.

Қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш.Низомиддинов зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан 2021 йил 1 сентябрь ва 2022 йил 1 январгача Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот берилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2021 йил 11 май

## БИЗ ва ЖАҲОН

«Халқ сўзи» учун махсус

# Ўзбекистоннинг қовун, тарвуз ва қуритилган мева-сабзавотлари

## БУЮК БРИТАНИЯ БОЗОРЛАРИГА КИРИБ БОРАДИ



Мамлакатимизнинг Лондондаги элчихонаси Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси ҳамда Буюк Британиянинг Атроф-муҳит, озиқ-овқат ва қишлоқ ишлари вазирлиги ўртасида фитосанитария масалалари бўйича навбатдаги маслаҳатлашувларни ташкил қилди.

Томонлар Буюк Британиянинг Европа Иттифоқи таркибидан чиқиши муносабати билан Ўзбекистондан ушбу мамлакат бозорига янги ва қуритилган мева-сабзавот маҳсулотлари экспортини кенгайтириш тартиби билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилди. Ҳамкорликни янада кенгайтириш, шу жумладан, "Ўздавкарантин" мутахассислари учун лаборатория диагностикаси бўйича тренинглар ўтказиш юзасидан фикр алмашилди.

Музокараларда Ўзбекистонда Буюк Британияга қовун, тарвуз ва қатор турдаги қуритилган маҳсулот экспорти учун берилган сертификатлар асосида ушбу мамлакатда фитосанитария рухсатномаларини олиш бўйича келишувга эришилди.

Эслатиб ўтамиз, 2020 йил август ойида Буюк Британия Ўзбекистондан 12 турдаги мева-сабзавот маҳсулотини мамлакатга экспорт қилиш учун фитосанитария рухсатини берган эди.

**«Дунё» АА.**
Лондон

# Шахсга доир маълумотларни ноқонуний тарқатганлик учун жавобгарлик қандай бўлади?

1

Йиғилишда халқ вакиллари бугунги кунда ижтимоий тармоқларда, интернет сайтларида шахсга доир маълумотлардан (фотосуратлар, исм-шариф, лавозим ва ҳоказо) унинг розилигисиз фойдаланиш, тарқатиш ҳолатлари кўпайиб бораётганининг сабаблари билан қизиқди.

Қонун ташаббускорлари бу масалага тўхталар экан, шахсга доир маълумотлар — муайян жисмоний шахсга тааллуқли бўлган ёки уни идентификация қилиш имконини берадиган ахборот эканини айтиб, шахсга доир маълумотларни йиғишнинг илгари билдирилган мақсадларидан четга чиқилган ҳолларда, уни тарқатиш маълумот ўзига тааллуқли бўлган шахснинг розилиги билан амалга оширилишини билдирди.

Юқоридаги тартибнинг ўрнатилиши инсоннинг шахсий ҳаётига, унинг шахсига доир маълумотларни қонунга хилоф равишда олиш, қайта ишлаш, сақлаш, тарқатишдан жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг жавобгарлик таҳдиди билан тийилиши ва умуман, унга доир маълумотлар билан қонуний ишлаш самарадорлиги оширилишига хизмат қилишини таъкидлашди.



# Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг ахбороти эшитилди

*Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитасининг навбатдаги назорат-таҳлил тадбири бўлиб ўтди.*

Видеоконференцалоқа тарзида ўтказилган тадбирда "Чиқиндилар тўғрисида"ги Қонун нормалари талабларининг бажарилиши ҳамда 2019 йил 17 апрелдаги "2019 — 2028 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида қаттиқ маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида"ги Президент қарори ижроси юзасидан Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг ахбороти эшитилди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, ҳудудларнинг санитария ва экологик ҳолатини яхшилаш соҳасида изчил ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Икки босқичда бажариладиган мазкур ҳужжатдаги чора-тадбирларнинг ижроси юртимизда аҳолининг санитария хавфсизлиги ҳамда атроф-муҳит муҳофазасини таъминловчи ва кафолатловчи чиқиндиларни бошқаришнинг мукаммал тизимини шакллантиради.

Жойларда олиб борилган ўрганишлар ва олинган маълумотларга асосан мазкур қарор ижросига масъул бўлган давлат органи томонидан бир қатор ишлар амалга оширилган. Жумладан, санитария жиҳатидан тозалашга ихтисослаштирилган ташкилотларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш борасида махсус техникалар харид қилинган. Шунингдек, 2019 йилда 46 та, 2020 йилда эса "Тоза ҳудуд" ДУКнинг 40 та маъмурий бино ва автопаркларида қурилиш ҳамда реконструкция юмушлари олиб борилган.

Қарор ижроси юзасидан санитария ва экологик талабларга жавоб бермайдиган 24 та маиший чиқинди полигонининг фаолияти тўхтатилиб, рекультивация қилиш ишлари якунланган. Шунингдек, аҳолининг санитария-экологик ва ҳуқуқий саводхонлигини оширишга қаратилган ахборот компанияси ҳамда аҳолининг чиқиндилар билан боғлиқ ишлар борасидаги билим даражасини кенгайтириш бўйича қатор амалий ишлар қилинди.

Ўрганишлар мазкур ҳужжат ижросини таъминлашда ҳали ечимини кутаётган муаммолар ҳам мавжудлигини кўрсатмоқда.

Эшитувда бугунги кунда ҳудудларда жисмоний ва юридик шахслар томонидан ҳосил қилинаётган маиший чиқиндиларни олиб чиқиш қамрови бирмунча паст даражада эканлиги сабабли ноқонуний чиқиндихоналар пайдо бўлаётгани, "Тоза ҳудуд" ДУК филиаллари моддий-техника базаси янада такомиллаштирилишга муҳтожлиги ҳамда кўплаб ҳудудларда чиқиндилар фақатгина кўмиш йўли билан йўқотилаётгани депутатларнинг жиддий эътирозига сабаб бўлди. Шунингдек, чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасига хусусий сектор вакилларини жалб этиш ишлари суст олиб борилаётгани танқид қилинди.

Тадбирда қарорда белгиланган вазифаларни тўлиқ амалга оширишда Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси олдида турган долзарб вазифалар, истиқболдаги режалар танқидий-таҳлилий муҳокама қилиниб, белгиланган чора-тадбирларни самарали уддалаш юзасидан тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Мунисхон КАРИМОВА**
**(«Халқ сўзи»).**

# АҲОЛИГА ТИББИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СИФАТИ ОШИРИЛАДИ

1

"Соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислоҳотларни изчил давом эттириш ва тиббиёт ходимларининг салоҳиятини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш тўғрисида"ги Президент Фармони соҳадаги янгиликларнинг мантиқий давоми бўлди.

Фармон билан оилавий шифокор пунктлари ва оилавий поликлиникаларда "тиббиёт бригадалари" фаолиятини йўлга қўйиш, шунингдек, туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникалари томонидан аҳолига янада сифатли тиббий хизматлар кўрсатиш қамровини кенгайтириш учун 2021 йил 1 июлдан бошлаб 10 мингта, 2022 йил 1 январдан бошлаб эса яна қўшимча 10 мингта ўрта тиббиёт ходими штатлари ажратилиши белгиланмоқда.

Шу билан бирга, марказий туман (шаҳар) шифохоналарининг Давлат бюджетидан молиялаштириладиган амалдаги койкалар фондининг 10 фоизи 2022 йил 1 январдан бошлаб, яна қўшимча 10 фоизи 2023 йил 1 январдан бошлаб тўлов асосида тиббий хизматлар кўрсатишдан тушадиган бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига таъминланадиган койкалар фондига ўтказилмоқда. Албатта, биз бугунги кунда сифатли тиббий хизмат тизимини йўлга қўйишни истар эканмиз, биринчи навбатда, тизим энг сўнгги замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланиши, бунинг учун эса бюджетдан ажратилаётган маблағ ҳажмини кўпайтиришимиз даркор.

Мазкур ҳужжат билан шунингдек, 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб клиник ординатура мутахассисликлари бўйича қабул квотасини икки бараварга ошириш, ҳудудга зарур бўлган тор мутахассисликдаги шифокорларни тайёрлаш учун тегишли маҳаллий бюджетдан етарли миқдорда грант ажратиш тизими йўлга қўйилиши белгиланди. Бундан ташқари, давлат гранти асосида таълим олган битирувчиларга тегишли ҳудудга бориб, уч йил ишлаб бериш мажбурияти юклатилади. Фаолият юритиш учун ҳудудга юборилган тор мутахассисликдаги шифокорларнинг яшаш харажатлари маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан қоплаб берилади.

2021 йил 1 июлдан бошлаб эса ҳамширалик иши ўзини ўзи банд қилган шахслар шуғулланиши мумкин бўлган фаолият (ишлар, хизматлар) турлари рўйхатига киритилмоқда. Ҳамширалар учун яратилган бундай қулайлик бир қатор мажбуриятлар ҳам юклайди. Хусусан, ҳамширалик иши фаолиятини фақат ўрта тиббий ёки олий ҳамширалик иши йўналиши бўйича олий маълумотга эга Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тегишли ахборот тизимида 2022 йил 1 январдан бошлаб рўйхатдан ўтган шахсларгина амалга оширади. Ҳамширалик иши фаолияти билан шуғулланаётган шахс белгиланган муддатларда ўз малакасини ошириб бориши зарур.

Шу билан бирга, Соғлиқни сақлаш вазирлигида Иқтидорли ва малакали тиббиёт мутахассисларини қўллаб-қувватлаш ҳамда тиббиёт муассасаларига жалб қилиш жамғармаси ташкил этилмоқда.

Умуман, Фармон билан аҳолига кафолатли тиббий хизмат кўрсатиш, тиббиёт ходимлари меҳнатини рағбатлантириш, замонавий технология ва даволаш усулларини кенг жорий қилиш борасида бир қатор тизимли чора-тадбирлар белгилаб беріляпти. Биз, халқ вакилларининг галдаги вазифаси эса мазкур ишларнинг ўз вақтида тизимли амалга оширилишини назорат қилишдан иборат.

**Зуҳра ИБРАГИМОВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари,**
**«Адолат» СДП фракцияси раҳбари.**

# ДЎСТЛИК ГУРУҲИ МАЖЛИСИ ЎТКАЗИЛДИ

*Ўзбекистон — Канада парламент дўстлик гуруҳининг видеоконференцалоқа шаклида ўтказилган иккинчи мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Канада парламенти Жамоатлар палатаси дўстлик гуруҳлари аъзолари, шунингдек, депутатлар, сенаторлар қатнашди.*

Унда Олий Мажлис Сенати Раисининг биринчи ўринбосари С. Сафоев иштирок этди.

Мажлисда сиёсий, савдо-иқтисодий, ҳуқуқий ва маданий-гуманитар соҳалардаги ўзаро ҳамкорликнинг жорий ҳолати ҳамда муносабатларни янада мустаҳкамлаш истиқболи муҳокама қилинди. Хусусан, парламентлараро ҳамкорликни янада ривожлантириш имкониятлари — парламентлараро дўстлик гуруҳлари ишини жадаллаштириш, қонун чиқарувчи органлар фаолиятини такомиллаштириш бўйича тажриба алмашиш масалалари атрофлича кўриб чиқилди.

Онлайн мулоқот якунида иштирокчилар Ўзбекистон ва Канада муносабатлари ҳамда амалий ҳамкорлигини ҳар томонлама мустаҳкамлашга қаратилган парламентларнинг ўзаро интилишларини маъқулладилар, делегациялар ўзаро ташрифини амалга ошириш юзасидан келишувга эришилди.

# ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАРДА ЯНГИ БОСҚИЧ

*Олий Мажлис Сенати Раисининг биринчи ўринбосари С. Сафоев бошчилигида Ўзбекистон сенаторларининг Франция Сенати ҳузуридаги "Франция — Марказий Осиё" парламентлараро гуруҳи раиси Э. Морей етакчилигидаги гуруҳ аъзолари билан видеоконференцалоқа шаклида учрашуви ҳам ўтказилди.*

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида янгидан равнақ топаётган икки томонлама парламентлараро ҳамкорликнинг ҳолати ва истиқболлари муҳокама қилинди.

Иштирокчиларнинг фикрича, икки мамлакат раҳбарлари юритаётган сиёсат туфайли Ўзбекистон ва Франция ўртасидаги муносабатлар сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди.

Франциялик сенаторлар таъкидлаганидек, парламентлараро мулоқот мамлакатлар ўртасидаги ишончни мустаҳкамлашга, Ўзбекистон ва Франция ўртасидаги савдо-иқтисодий, сайёҳлик ҳамда маданий-гуманитар ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қилади.

Учрашувда томонлар тизимли мулоқотни давом эттиришга, парламентлараро алоқаларни мустаҳкамлашга келишиб олди.

**«Халқ сўзи».**

## Сенатор ва ҳаёт

# САМИМИЙ ВА МАНФААТЛИ МУЛОҚОТЛАРДАН ХАЛҚИМИЗ МАМНУН

*Шу кунларда сенаторлар жойларда бўлиб, аҳоли билан очиқ мулоқот ўтказаётгани, энг муҳими, шу жараёнда муаммолар ўрганилиб, уларга ечим излаб кўрилаётганидан хабарингиз бор. Қолаверса, аҳоли ҳуқуқий билимини ошириш мақсадида Сенатнинг ўн тўртинчи ялпи мажлисида маъқулланган қонунлар ва бошқа ҳужжатлар мазмун-моҳияти хусусида батафсил маълумот берилаётир. Бундай мулоқотлар самимий ҳамда самарали ўтаётгани учун ҳам ушбу тадбирлардан аҳоли мамнун.*

### Сел тошқинидан талафот кўрган хонадонларга ёрдам берилди

Яқинда Андижон вилоятининг айрим ҳудудларида кучли ёмғир ёғиши натижасида сел тошқини кузатилганидан хабарингиз бор. Табиий офат боис Хонобод шаҳри ва Қўрғонтепа туманидаги 278 та тураржойга шикаст етди.

Фавқулодда вазият оқибатларини бартараф этиш юзасидан Хонобод шаҳрининг Тейит маҳалласи ҳудудида вилоят ҳокими бошчилигида штаб тузилган. Айни пайтда бу борада ташкилотлар ҳамкорлигида жадал ишлар олиб боριляпти. Шу билан бирга, жабрланганларнинг ҳолидан хабар олиняпти.

Хусусан, куни кеча Олий Мажлис Сенати аъзоси М. Ғаниева, вилоят Кенгаши котибияти мудири М. Тўйчиева ҳамда халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлари табиий офатдан зарарланган хонадонларга бориб, зарур ёрдамлар кўрсатишди. Жумладан, бир қатор хонадонлар аъзоларига озиқ-овқат, кўрпа-ёстиқ ва кийим-кечаклар берилди.

### «Дафтар»ларга киритилган фуқаролар тиббий кўрикдан ўтказилди

Аввал хабар берганимиздек, Қорақалпоғистон Республикаси аҳолисига кўрсатилаётган тиббий хизматни янада яхшилаш мақсадида "темир дафтар" ва "аёллар дафтари"га киритилган фуқароларга Соғлиқни сақлаш вазирлигининг терапия йўналишидаги етакчи мутахассислари, яъни бош терапевти, бош гастроэнтерологи, бош ревматологи, бош геронтологи, умумий амалиёт шифокорлари хонадонбай тиббий маслаҳатлар бермоқда.

Масалан, яқинда улар Нукус шаҳри, Қўнғирот, Чимбой ва Беруний туманларида тиббий хизматга муҳтож аёллар хонадонларида бўлди. Муҳими, аёлларга тегишли маслаҳат ва кўрсатмалар берилди. Шунингдек, аҳолини тиббий хатловдан ўтказиш натижасида 3 ва 4-гуруҳга мансуб беморлар чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилди.

Бундай учрашувларда шифокорлар томонидан тўғри овқатланиш, соғлом турмуш тарзига алоҳида эътибор бериш, амбулатор ва стационар шароитда даволаниш бўйича зарур маслаҳатлар ҳам берилаётгани эътиборга молик. Бу каби саъй-ҳаракатлар касалликлар асоратларини камайтиришга, беморларнинг ўз вақтида даволанишига ва шу орқали аҳолининг ҳаёт сифати кўрсаткичлари яхшиланишига ёрдам беради.

Маълумот ўрнида айтиш керакки, ҳудудда амалга оширилган тиббий кўрикларга 60 га яқин маҳалла ва овуллар қамраб олинди ҳамда 250 нафарга яқин беморлар тиббий кўрикдан ўтказилди.

**«Халқ сўзи».**

# КИТОБХОН ОИЛАЛАР САФИ КЕНГАЯДИ

*Мамлакатимизда давлат сиёсати даражасида берилган эътибор туфайли юртдошларимизда китобхонлик маданияти тобора юксалмоқда. Айниқса, ёшларнинг мутолаага бўлган иштиёқи ошиб боряпти. Ҳар йили анъанавий тарзда ўтказилаётган "Ёш китобхон" танловида иштирок этувчилар сони кескин ортаётгани бунинг ёрқин исботидир.*

## Танлов

Президентимизнинг беш муҳим ташаббуси доирасида Ёшлар ишлари агентлиги томонидан "Ёш китобхон оила" танловига старт берилгани амалга оширилаётган ишларни янада кенгайтиради. Ушбу янги лойиҳа ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг дунёқарашини, маънавий савиясини янада бойитиш, китобхонликни оммалаштиришга ҳисса қўшади.

Танловда иштирок этишни истаган 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган ёш оилалар 30 май санасига қадар @kitobxonoila_bot телеграм манзили орқали ариза юборишлари мумкин. Аризалар қабули тугагач, ёш оилалар тест синовларида қатнашади. Танлов низомига мувофиқ, тест натижалари бўйича туман (шаҳар)лар миқёсида энг кўп балл тўплаган 2 та оила кейинги босқичга йўлланма олади.

Иккинчи босқич — ҳудудий бўлиб, 2 та шарт асосида ўтказилади. "Тезкор савол-жавоб" шарти орқали иштирокчиларнинг тавсия этилган адабиётларни қай даражада мутолаа қилганликлари текширилади. "Бадиий асарлар билимдони" шартида эса бирор асар сюжетига оид эпизод ўқиб эшиттирилади. Жуфтлик ушбу парча қайси асардан олинганини топишлари ҳамда асар мазмун-моҳиятини таҳлил этиб беришлари керак. Энг юқори балл тўплаган ёш оила танловнинг якуний босқичида қатнашади. Учинчи босқичда эса шартлар ҳудудий босқичдаги шартларга қўшимча тарзда "Эркин мавзу" билан бойитилган. Мазкур шартда иштирокчилар ихтиёрий билет тортишади ва унда ёзилган мавзуни монолог ёки маъруза тарзида баён этиб беришади.

Таъкидлаш керакки, танлов жараёнида фойдаланилган саволлар ва тестлар мажмуаси махсус комиссия томонидан танловнинг барча босқичи учун алоҳида тузилади ҳамда махсус конвертларга солиниб, муҳрланади.

Танловнинг якуний босқичида ғолибликни қўлга киритган ёш оилага Президент совғаси — "Spark" автомашинаси туҳфа қилинади. Шунингдек, иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллаган жуфтликлар ҳам қимматбаҳо совғалар билан тақдирланади. Бундан ташқари, барча иштирокчига китоблар тўплами, махсус дипломлар берилади.

Тадқиқотчилар фикрича, китоб ўқиш фақат маънавий озуқа бўлибгина қолмай, балки инсоннинг ақлий қобилиятини ҳам ўстиради. Мутолаадан олинган таассуротларни бошқалар билан бўлишиш эса кишига завқ бериш билан бирга, ўзгаларни ҳам китоб ўқишга ундайди. Айниқса, оила даврасида китоб ўқиш ва уни муҳокама қилиш ўзаро муносабатларнинг янада яхшиланишига, оила аъзоларининг жипслашишига олиб келади. "Ёш китобхон оила" танлови ҳам оилавий китобхонликни янги босқичга олиб чиқишига, эзгуликка ошно диллар кўпайишига хизмат қилади, деган умиддамиз.

**Қобулжон АҲМЕДОВ,**
**Ёшлар ишлари агентлиги директорининг давлат тили бўйича маслаҳатчиси.**

## Бандлик

*Олот туманида "Парвоз Ҳумо Равнақ Транс" МЧЖ пахта-тўқимачилик кластери томонидан 6 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маблағ эвазига замонавий ёғ-мой заводи қурилиб, фойдаланишга топширилди.*

# ОЛОТДА ЗАМОНАВИЙ КОРХОНА

— Заводимизда хориждан харид қилинган, унумдорлиги юқори технологик линиялар ўрнатилган, — дейди корхона раҳбари Тўймурод Маматов. — Эндиликда туманимизда етиштирилган пахта хом ашёси чигити шу ерда қайта ишланади. Тайёр маҳсулотнинг асосий қисми экспортга йўналтирилади.

Бизнес лойиҳани рўёбга чиқаришда молиявий муассаса томонидан 2,5 миллион АҚШ доллари миқдорида кредит ажратилгани қўл келди. Янги корхона шарофати билан тумандаги 150 нафар ишсиз фуқаронинг бандлиги таъминланди.

**Истам ИБРОҲИМОВ («Халқ сўзи»).**

# ИЛМ-ФАН ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИНТЕГРАЦИЯСИ

## ПАХТА ТОЗАЛАШ САНОАТИ РИВОЖИДА ҲАЛ ҚИЛУВЧИ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТМОҚДА

← 1

Гап шундаки, ушбу ҳужжатга асосан, "Пахтасаноат илмий маркази" АЖ фаолияти кенгайтирилиб, мақоми янада оширилди, янги вазифалар — пахтани қайта ишлаш соҳасидаги ягона давлат илмий-техникавий сиёсатини ишлаб чиқиш ва ижросини таъминлашда иштирок этиш, пахтани дастлабки қайта ишлаш доирасида илмий-техникавий ҳамда инновацион фаолиятни амалга ошириш, тармоқ корхоналари фаолиятини регламентлаштирувчи меъёрий-техник, инструктив ва ташкилий-услубий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, ўқув жараёнлари орқали тармоқдаги мутахассисларнинг малакасини ошириш, янги маҳаллий илмий, юқори унумли ҳамда рақобатбардош технологик асбоб-ускуналарни, илмий изланишлардан то якунланган илмий-техник маҳсулотгача бўлган тўлиқ инновацион даврни яратиш ва пахта тозалаш корхоналарига жорий этиш доирасида илмий тадқиқот, тажриба-конструкторлик ишларини бажариш юклатилди.

Савол туғилиши табиий: хўш, бу каби ўзгаришлар амалда қандай самаралар бермоқда?

Аввало, пахтани дастлабки қайта ишлаш техникаси ва технологиясини сифат жиҳатидан ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди ва унинг доирасида 2018 — 2020 йиллар ичида бир қатор тизимли ишлар амалга оширилди. Бу ҳақда тўхталганда, охирги икки йилда ўнга яқин долзарб мавзуларда илмий тадқиқот ишлари олиб борилгани, олимларимиз томонидан 10 дан зиёд машина ҳамда ускуналар яратилиб, ишлаб чиқаришга жорий қилинганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Машинада терилган пахтани самарали тозалаш ускуналари, такомиллаштирилган пахта қуритгич, чиқиндилардан толани ажратувчи регенератор, такомиллаштирилган тола тозалагич, автоматлаштирилган линтер ускунаси, пахта толасининг сифат кўрсаткичларини аниқловчи акустик асбоб, пахта хом ашёси навининг ифлослигини ва намлигини аниқловчи автоматлаштирилган лаборатория ускунаси, чигитнинг туклдорлигини экспресс аниқловчи акустик ускуна, комбинацияланган момиқ тозалагич шулар жумласидандир. Биргина 2020 йилда илмий марказ иштирокидаги лойиҳалар доирасида умумий қиймати 1,6 миллиард сўмлик 8 турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришга муваффақ бўлинди.

> *Аввало, пахтани дастлабки қайта ишлаш техникаси ва технологиясини сифат жиҳатидан ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди ва унинг доирасида 2018 — 2020 йиллар ичида бир қатор тизимли ишлар амалга оширилди. Бу ҳақда тўхталганда, охирги икки йилда ўнга яқин долзарб мавзуларда илмий тадқиқот ишлари олиб борилгани, олимларимиз томонидан 10 дан зиёд машина ҳамда ускуналар яратилиб, ишлаб чиқаришга жорий қилинганини алоҳида таъкидлаш жоиз.*

Таъкидлаш керакки, "Пахтасаноат илмий маркази" АЖ пахта ва пахта маҳсулотларини стандартлаштириш бўйича базавий ташкилот сифатида илмий марказ қошидаги "Пахта" техник қўмитасига аъзо идоралар билан биргаликда 40 дан ортиқ амалдаги давлат стандартлари бўйича маҳсулотларнинг сифатига белгиланган талабларни кўриб чиқади. Айни вақтгача пахта, пахта толаси, техник чигит, пахта момиғи бўйича техникавий шартлар ва ушбу маҳсулотларга тегишли синаш усулларининг давлат стандартлари халқаро ҳамда ривожланган давлатлар стандартлари билан уйғунлаштирилиб, замон талаблари асосида тегишли ўзгартиришлар киритилди.

Бугунги кунда илмий марказда пахта-тўқимачилик кластерлари таркибидаги пахтани дастлабки қайта ишлаш корхоналари учун "классерлик мактаби" ҳам ташкил қилинган. Бу ерда пахта хом ашёсининг ташқи кўриниш намуналари (эталонлари)ни тайёрлаш, марказий ва тайёрлов маскани лабораториялари фаолиятида зарур бўлган ўлчаш, синаш, таҳлил қилиш бўйича ускуна ва жиҳозларни ишлаб чиқариш ҳамда уларни таъмирлаш, технологик регламент асосида ускуналарнинг оралиқ қистирмалари ва аэродинамикасини созлаш, замонавий лабораторияда классерлик усулида толанинг нав ҳамда синфини аниқлаш ўргатилади.

Бундан ташқари, илмий марказда қисқа муддатли ўқув курсларини ташкил этиш орқали соҳа мутахассисларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш йўлга қўйилган. Хусусан, сўнгги икки йилда 1 минг 700 га яқин мутахассис ходимлар ўқитилиб, тола йигирувчанлиги ҳамда калава ип нисбий мустаҳкамлигини аниқлаш бўйича дастлабки таҳлиллар ўтказиш, пахтани қайта ишлаш учун янги турдаги илмий ишланмалар асосида яратилган машина ва механизмлар ҳамда эҳтиёт қисмлар намунасини ишлаб чиқариш, уларни таъмирлаш бўйича билим ва кўникмалари оширилди.

Кейинги йилларда илмий муассаса томонидан халқаро алоқалар тобора мустаҳкамланмоқда. Бунинг самараси ўлароқ, хорижий мутахассислар ва тадқиқотчилар билан тажриба алмашиш баробарида, минтақавий ҳамда глобал муаммолар юзасидан таклифлар ҳам билдирилмоқда. Бунда айниқса, Халқаро пахта уюшмаси, Пахта бўйича халқаро маслаҳат қўмитаси, Халқаро пахтани тадқиқ қилиш уюшмаси, Осиё пахтачилик тадқиқот ва тараққиёт тармоғи билан ўзаро ҳамкорлик янги босқичга кўтарилгани муҳим омил бўлаётир. Ҳозирги кунда Исроилнинг ғўзани ёмғир шаклида томчилатиб суғориш тизимлари, Австралиянинг янги навлар ҳамда юқори ҳосил олиш ва сув захиралари бўйича, Ҳиндистоннинг ғўза зараркунандаларига қарши кураш борасидаги тажрибаси бўйича мутахассислар билан ҳамкорликда кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Мазкур мутахассислар пахта-тўқимачилик кластерлари ходимлари учун илмий марказ томонидан уюштирилаётган қисқа муддатли ўқув курсларида маърузалар ўқиш ва тажриба алмашиш учун жалб этилмоқда.

Ҳамкорликда олиб борилаётган самарали ишлар натижасида халқаро ҳамжамиятда юртимиз олимларига бўлган ишонч ортиб, уларнинг ихтироларига қизиқиш кўпаймоқда. 2019 йилда илмий марказ раҳбари икки йил муддатга Осиё пахтачилик тадқиқот ва тараққиёт тармоғининг раиси этиб сайлангани бунинг амалий тасдиғидир. Бинобарин, юртимиздаги биргина ушбу илмий марказнинг ўтган бир асрга яқин фаолияти давомида 20 га яқин фан докторлари ҳамда 70 дан ошиқ фан номзодлари етишиб чиқди. 1950 — 2021 йилларда 583 та ихтиро ва фойдали моделга патентлар олинган.



Марказда игна билан қудуқ қазишга мензаладиган илмий тадқиқот ишлари кўлами янада кенгайтирилмоқда. Ҳозирги вақтда 6 нафар техника фанлари доктори (DSc), 7 нафар техника фанлари номзоди ва 7 нафар техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасига эга мутахассисларимиз пахта тозалаш саноати муаммоларини ечишга қаратилган тадқиқотлар олиб бориш ҳамда уни амалиётга жорий этиш ишлари билан машғул. Шунингдек, 27 нафар ходим докторлик ва фалсафа докторлиги даражасини олиш учун илмий изланишлар олиб бораётир.

Соҳанинг муаммоли жабҳаларида ўзига хос тадқиқот тамойилларига эга мактаб яратган олимларимиз ва уларнинг издошлари бугунги кунда мамлакатимиз пахта-тўқимачилик кластерлари таркибида фаолият кўрсатаётган пахта тозалаш корхоналарини ривожлантириш, тизимдаги мавжуд муаммоларга ечим топиш йўлида изланиб, иқтисодиётимиз рақобатбардошлигини оширишга муносиб ҳисса қўшиш пайида бўлмоқда.

**Тоҳир КУЛИЕВ,**
**«Пахтасаноат илмий маркази» АЖ бош директори, техника фанлари доктори.**

# «JOYDA» мобиль платформаси – бир ёшда!

SANOAT QURILISH BANK

*Ўзбекистонда онлайн кредит хизматлар ва маркетплейсни ўз ичига олган биринчи инновацион платформа ишга туширилганига бир йил тўлди. Шу муносабат билан платформа мижозлари учун янги хизматлар йўлга қўйилди. Гап шундаки, 2020 — 2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегиясига мувофиқ, "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ томонидан ўтган йилнинг май ойида "JOYDA" мобиль иловаси ишга туширилган эди.*

## Молия муассасаларида

Платформада анъанавий чакана банк маҳсулотлари ва хизматлари билан бир қаторда, кичик ҳамда хусусий бизнес субъектларининг товарларини сотишга мўлжалланган электрон савдо майдончаси ҳам яратилди.

Бугунги кунга келиб, платформа ўз атрофида савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналари, суғурта компаниялари, тўлов интеграторлари ҳамда етказиб берувчиларни онлайн савдо йўлида бирлаштирган. У ерга жалб қилинган биргина савдо-сервис корхоналари ва ишлаб чиқарувчилар сони юзтага етказилиб, улар томонидан 20 мингта маҳсулот жойлаштирилди, умумий қиймати 12,8 миллиард сўмлик товарлар харидорларга етказиб берилди.

Хусусан, "Inmart savdo markazi" корхонаси томонидан "JOYDA" платформаси орқали ўтган қисқа даврда 1 минг 408 та товар, жумладан, 266 та электр скутер, 164 та кир ювиш машинаси, 293 та музлаткич, 219 та телевизор, 95 та кондиционер каби маҳсулотлар сотилди.

Ҳозирги кунда платформадан фойдаланувчилар сони 340 минг кишига етди. Шундан пластик картага ўтказмалар 551 миллиард сўмни ташкил этди, 498,4 миллиард сўмлик онлайн кредитлар расмийлаштирилди.

Илованинг фаолият бошлаганига бир йил тўлиши муносабати билан, шунингдек, жамоатчилик ўртасида унга нисбатан қизиқиш ортиб бораётгани инобатга олиниб, мижозлар учун хизматлар борасида янада кенг имкониятлар яратилмоқда. Улардан бири — "Ўзсаноатқурилишбанк" филиаллари, Банк хизматлари марказлари ҳамда йирик корпоратив мижозлар ҳудудларида "тач скрин" терминалларининг ишга туширилганлигидир.

Мазкур қурилмалар аҳолига банк хизматларидан муассаса ходимлари иштирокисиз фойдаланиш имконини беради. Смартфонга эга бўлмаган мижозларга эса "JOYDA" платформасининг барча қулайлигини тақдим этади. Жумладан, мижозлар мазкур қурилмалар ёрдамида пластик картага буюртма бериши, кредит ва омонатларини расмийлаштириши, маҳсулотларни муддатли тўлов асосида харид қилиши, валюта алмаштириши, пул ўтказмалари, жарима ёки кредит учун тўловлар сингари кўплаб амалиётларни амалга ошириши мумкин бўлади.

"JOYDA" иловаси билан боғлиқ яна бир янгилик — унинг веб-талқини ишга туширилганидир. Яъни эндиликда мижозлар компьютер қурилмалари орқали ҳам унинг имкониятларидан фойдалана олишади.

Умуман, жорий йилда "JOYDA" инновацион платформасида яна қатор янги хизматлар ишга туширилиши режалаштирилган. Жумладан, 15 майдан овердрафт кредити хизмати, 30 майдан банк хизматларига навбатга туриш хизмати, июнь ойидан бошлаб "Ўзсаноатқурилишбанк"нинг янги халқаро карталарини "JOYDA" орқали бошқариш ҳамда хорижий банк карталарига пул ўтказмаларини амалга ошириш, июль ойидан онлайн автокредит хизмати, августдан мижоз банкка келмай туриб ўз-ўзини идентификация қилиш тизими амалиётга татбиқ этилади.

**Банк ахборот хизмати.**

*Хизматлар лицензияланган.*

IPAK YO'LI BANKI

## «Ипак Йўли» АИТБ мулк ва автотранспорт воситалари ҳамда банк мансабдор шахслари жавобгарлиги бўйича ихтиёрий суғурта шартномасини тузиш учун суғурта ташкилотлари ўртасида танлов ўтказилишини маълум қилади

«Ипак Йўли» акциядорлик инновация тижорат банки мулкни ва автотранспорт воситаларини ҳамда банк мансабдор шахслари жавобгарлигини ихтиёрий суғурта қилиш бўйича шартнома тузиш мақсадида суғурта ташкилотлари ўртасида танлов ўтказади.

**Танловда иштирок этиш ва танловга оид ҳужжатларни олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин: Тошкент шаҳри, Абдулла Қодирий кўчаси, 2-уй. Индекс: 100017.**

**Танлов ҳужжатларини қабул қилишнинг сўнгги муддати 2021 йилнинг 7 июнь куни соат 12.00 гача.**
**Мурожаат учун телефонлар: 78-140-69-38, 78-140-69-00 (ички. 1255).**
**E-mail: s.djuraev@ipakyulibank.uz**
**Масъул ходим: Сарвар Жўраев**

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

## Tanlov asosida mahsulot sotib olish

***Tanlovda yuqori tajribaga ega bo'lgan, o'z vaqtida yetkazib bera oladigan va belgilangan miqdorda mahalliy mahsulot ishlab chiqaruvchi mahalliy va chet el korxonalari ishtirok etishlari mumkin. Tanlovga kichik biznes va xususiy tadbirkorlik yo'nalishida faoliyat olib boruvchilar ham taklif etiladi.***

**I.** Xarid komissiyasi ishchi guruhining manzili:
Indeks 100084, O'zbekiston Respublikasi, Toshkent shahri, Xalqobod ko'chasi 17-«A» uy.
Ma'lumot uchun telefon raqamlari: Turaxanov O.X., Tel./faks: 71-238-75-76 (78).
Elektron sayt: www.udz.uz, Elektron manzil: 1upr@udz.uz

**II.** Tanlov mavzusi:

| Lot № | Tanlov mavzusi | O'lchov birligi | Miqdori | Eng yuqori sotib olish narxi 1 tonnasi uchun* |
|---|---|---|---|---|
| | | | | so'm |
| 1 | 1 navli grechixa yormasi | tonna | 100,0 | 12250000,0 |

* — Chet davlat ishtirokchilariga 1 tonnasi uchun maksimal sotib olish narxi, takliflarni ochish kunidagi O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki tomonidan o'rnatilgan valyutalar kursi (AQSH dollari, yevro) asosida hisob-kitob qilinadi.
Ishtirokchilarning takliflari lotning butun hajmi 100,0 tonnaga qabul qilinadi.

**III.** Tanlovda qatnashishi man etiladigan korxonalar va firmalar:
- qayta tashkil etish, tugatish va bankrotlik jarayonidagi;
- tanlov taklifini o'z vaqtida taqdim etmagan;
- buyurtmachi bilan oldingi tuzilgan shartnomalarni munosib tarzda bajarmagan;
- tanlov e'lon qilingan vaqtga qadar tashkil etilganiga 6 oydan kam bo'lgan;
- buyurtmachi bilan sudlashuv yoki hakamlik ishini ko'rish holatida bo'lgan;
- imtiyozli soliq tizimini taqdim qiluvchi va/yoki moliyaviy operatsiyalar o'tkazilganda ma'lumotning fosh etilishi va taqdim qilinishi ko'zda tutilmagan davlatlarda va/yoki hududlarda ro'yxatdan o'tgan (offshor hudud);
- vakolatli organ tomonidan shakllantiriluvchi insofsiz bajaruvchilarning yagona reestriga kiritilgan;
- xususiy yoki ijaraga olingan ishlab chiqarish quvvatini, ombor maydonlari, ma'muriy binolar, ofis (kadastr va/yoki ijara shartnoma va/yoki boshqa hujjatlar) (mahalliy ishtirokchilar uchun), mavjud bo'lmasa;
- soliq va boshqa majburiy to'lovlar bo'yicha qarzdorlik mavjud bo'lsa (mahalliy yetkazib beruvchilar);
- ishtirokchilarning ta'sischilari bir yuridik va jismoniy shaxslar bo'lsa.

**IV.** Yetkazib berish shartlari:
Mahalliy ishtirokchilar — yetkazib beruvchi tomonidan buyurtmachining omborxonasiga yetkazib beriladi. Omborxona manzili:
110302, Toshkent viloyati, Ohangaron sh., Promzona;
Chet davlat ishtirokchilari uchun yetkazib berish shartlari: INCOTERMS-2010 asosida, CIP shartlari bo'yicha alohida partiyalarda, temir yo'l yoki avtotransport vositalarida yetkazib beruvchi tomonidan buyurtmachining omborxonalariga yetkazib beriladi.
110302, Ohangaron sh., Promzona, Ohangaron temir yo'l stantsiyasi, stantsiya kodi 723009, qabul qiluvchining kodi 1074 (O'zbekiston Respublikasi).

**V.** Yetkazib berish muddati, chet davlat ishtirokchilari uchun buyurtmachi tomonidan yetkazib beruvchi foydasiga akkreditiv ochilgandan so'ng 60 kun davomida, mahalliy yetkazib beruvchilarga shartnoma imzolanishdan va oldindan to'lov amalga oshirilgandan so'ng 60 kun davomida.

**VI.** Ishtirokchi bitta komplekt tashqi konvert taqdim qilishi lozim — asl nusxada (original). Komplekt ichida ikkita ichki texnik va narx taklifi bo'lishi lozim. Konvertlarning yelimlab ulangan joylarida ishtirokchining muhri bilan muhrlanishi kerak. Tashqi konvertda quyidagi ma'lumotlar aks ettirilishi lozim: tanlov ishtirokchisining nomi va manzili. Agar konvert muhrlanmagan va belgilangan tartibda rasmiylashtirilmagan bo'lsa, yo'qolgan va muddatidan avval ochilgan vaziyatlarda tanlov ishchi guruhi javobgarlikni o'z zimmasiga olmaydi.

**VII.** Tanlov takliflarini taqdim qilishning oxirgi muddati: 2021 yilning 19 may kuni, Toshkent vaqti bilan soat 18:00 gacha.

# ШУКРОНАЛИК, МЕҲР-ОҚИБАТ ВА САХОВАТ АЙЁМИ

1 Аллоҳ таоло қутлуғ ойда халқимиз ҳаётида муҳим бўлган хайрли ишларни насиб этди. Айниқса, Президентимиз ташаббуси билан “Меҳр-5” инсонпарварлик тадбирининг айни Рамазон ойида амалга оширилишида ҳам ўзига хос улкан маъно бор.

Маълумки, ушбу ойда яхшилик, кечиримлилик, ўзгаларга меҳр-оқибат кўрсатиш, адоватни унутиш каби инсоний фазилатлар янада кўпроқ намоён бўлади. Можароли ҳудудларда оғир аҳволга тушиб қолган юртдошларимиз давлатимиз раҳбарининг топшириғи асосида юртимизга олиб келиниши халқимизга хос кечиримлиликнинг олий намунаси бўлди. Шубҳасиз, кимларнингдир алдовига, сохта чақириғига учиб, азиз юртини ташлаб кетганларнинг оғир ҳаёти барчамизга ибрат бўлиши керак.

Муборак Рамазон ойида Президентимизнинг қўшни Туркманистон давлатига ташриф буюриши икки биродар халқ ўртасидаги маънавий ва диний яқинликни, дўстликни яна бир бор тасдиқлади. Ёзилган ифтор дастурхонида икки мамлакат раҳбарлари ва уламоларининг иштирок этгани сафар мазмунини янада зийнатлади.

Яна бир улуғ воқелик, буюк ватандошимиз Имом Бухорий ҳазратларининг Самарқанд вилоятида жойлашган мажмуаларини ислом оламидаги мақомига муносиб тарзда қайтадан бунёд этишга тамал тоши қўйилди. Бу муҳташам мажмуада тўрт минорали йирик жоме масжиди, баланд айвон ва гўзал хиёбонлар бунёд этиш ишлари айни шу баракотли ойда бошланди.

Дарҳақиқат, кейинги йилларда Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази, Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказлари, Мир Араб олий мадрасаси ва Ҳадис илми мактаби фаолияти йўлга қўйилгани динимиз ривожида, мамлакатимизда учинчи Ренессанс пойдеворини яратишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бундай хайрли ишларнинг самараси ўлароқ, заминимиздан яна бухорийлар, термизийлар, насафийлар ва нақшбандийлар етишиб чиқажак, Инша Аллоҳ.

Рамазон ҳайити Ислом динининг учинчи рукни бўлмиш рўза ибодатининг адо этилиши муносабати билан нишонланадиган қувончли воқеадир.

Ийдул фитрни дунё мусулмонлари қатори юртимиз аҳли ҳам катта шодиёна ва хурсандчилик ила ўтказади. Ушбу кун Яратган эгамнинг раҳмати Ер юзига ёғиладиган, қалблар завқланадиган ажойиб фурсатдир.

Ҳазрати Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: *“Ҳар бир қавмнинг ўз байрами бор, бу — Ийд куни бизнинг байрамимиздир”*, деб марҳамат қилганлар.

Улуғ алломаларимиз “Ҳайит кунлари шодликни изҳор қилиш диннинг шиорларидандир”, деганлар. Ҳайит кунларида хурсандчилигимизни, ўзаро меҳр-оқибатни, саховатимизни ҳар қачонгидан кўра кўпроқ намоён қилишимиз лозим. Ўз навбатида, улуғ байрам кайфияти таъсир этадиган хурофий одатлар ва исрофгарчиликлардан сақланишимиз керак.

Зеро, ҳар бир мўмин-мусулмон учун Роббининг ибодатини адо этиш чинакам буюк бахту саодатдир. Шунинг учун бу байрам имон ҳаловати, ибодат ва дуо-истиғфор байрамидир. Бу байрамда мусулмонлар жоме масжидларга тўпланиб, Ийд намозини жамоат билан ўқийдилар. Сўнг дуолар қилиб, ўтганларнинг руҳини шод этади, эл-юртга, Ватанга, бутун дунёга осудалик тилаб, илтижолар қиладилар.

Аллоҳ таборака ва таоло коронавирус касаллигига чалинган беморларга шифои комил ато этсин. Барчамизни карантин қоидаларига риоя қилиб, соғ-саломат ҳаёт кечиришимизни Ўзи насиб айласин.

Яратган Парвардигор бутун дунё мусулмонларига Рамазон ҳайити байрамини муборак айласин, бутун оламга тинчлик-хотиржамлик ато этсин, ибодатларимизни даргоҳида қабул қилсин, она Ватанимизни, халқимиз ҳаётини янада фаровон айласин.

**Усмонхон АЛИМОВ,**
**Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий.**

## Хайрия марафони

*“Юксалиш” умуммиллий ҳаракати “Ezgu amal” жамоат фонди билан ҳамкорликда шу йилнинг 11 майидан 9 июнига қадар саратон касаллиги билан курашаётган, бу дардни енгиб ўтган инсонлар шарафига “Ezgu amal” хайрия марафонини ўтказади.*

*Бу ҳақда кеча Тошкент шаҳрида марафон ташкилотчилари ва ҳамкорлари иштирокида бўлиб ўтган матбуот-брифингида маълум қилинди.*




# САРАТОНГА ҚАРШИ БИРГАЛИКДА КУРАШАМИЗ!

Ўзбекистонда онкологик касалликларга қарши курашиш йўлида салмоқли ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, Президентимизнинг 2017 йил 4 апрелдаги қарори билан 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида онкология хизматини янада ривожлантириш ва аҳолига онкологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш дастури тасдиқланиб, онкологик хизматни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари белгилангани муҳим аҳамият касб этяпти. Кўрилаётган чора-тадбирлардан мақсад — онкологик касалликлардан ўлим ҳолатини камайтириш ҳисобига аҳоли турмуш сифатини яхшилаш ва умр давомийлигини оширишдир.

Бу каби эзгу ишларга “Ezgu amal” жамоат фонди ҳам ҳисса қўшиб келмоқда. Тадбирда маълум қилинишича, ўтган йили ушбу фондга мурожаат қилган 102 оила ҳомийлардан моддий кўмак, 2 минг 100 оила тўғридан-тўғри моддий ёрдам, 3 мингдан ортиқ оилалар COVID-19 пандемияси билан боғлиқ карантин даврида озиқ-овқат тўпламлари ва тиббиёт буюмлари кўринишида кўмак олди. Бундан ташқари, 228 кишига дори препаратлари, тиббий хизматларга ва авиачипталарга тўловлар тўлаб берилди. Кам таъминланган оилаларнинг 3 мингдан зиёд болалари фонд ёрдамида ҳомийлардан совғалар олди. Умуман, ўтган йил давомида 28 та хайрия акцияси ўтказилди, 8 минг 428 оила қўллаб-қувватланди.

— Афсуски, онкологик ва гематологик касалликларга чалинган аҳолига кўмак кўрсатиш тизимини ислоҳ қилиш дастурининг барча бандлари амалга оширилмаган, онкологик хизмат кўрсатишда бир қатор муаммолар ҳамон мавжуд, — деди “Ezgu amal” жамоат фондининг Васийлик кенгаши раиси Мунира Хўжахонова. — Биз саратонни енгиб ўтган инсонлар ҳақида ҳикоя қилиб, касалликни ўз вақтида скрининг текширувдан ўтказиш ва эрта ташхис қўйиш заруратини долзарб муаммо сифатида кўтариб чиқамиз. Бу ёмон оқибатларнинг олдини олиши ҳамда даволашда самара бериши мумкин. Шу сабабли кенг жамоатчилик фойдаланиши учун замонавий диагностика ускуналарига ва скрининг қилишнинг ягона тизимини яратишга эҳтиёж бор. Бундан ташқари, хайрия марафони давомида касалликни енгиб чиққан инсонлар ҳикоялари саратон билан курашаётган оилалар учун ғалаба сари мотивация беради, деб умид қиламиз.

Хайрия марафони турли форматдаги тадбирларни ўз ичига олади, жумладан, матбуот анжуманлари, брифинглар, давра суҳбатлари, мутахассислар, маданият ва бизнес вакиллари билан учрашувлар, маҳорат дарслари, интервьюлар ҳамда тақдимотлар. Барчаси саратон касаллигига эрта ташхис қўйиш зарурлиги тўғрисида аҳоли хабардорлигини оширишга, республикамизда онкологик хизмат муаммолари ечими борасида жамоатчиликни жалб этишга қаратилган. Бу янги ҳомий/ҳамкорларни жалб қилиш орқали хайрия фаолиятини кенгайтириш имкониятини ҳам беради.

Марафон хайрия концерти билан якунланади, унда болаларнинг орзусини амалга оширишга — таниқли санъаткорлар билан бирга саҳнага чиқишга имкон берилади.

Тадбирда “Юксалиш” умуммиллий ҳаракати ва “Ezgu amal” жамоат фонди ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланди. Шунингдек, соҳани мақсадли молиялаштиришни ташкил этиш, дори воситалари, тиббий техника ва асбоб-ускуналарни режали харид қилиш, даволаш усулларини таҳлил этиш ҳамда баҳолаш учун касаллик тарихи ва болалар саратонини рўйхатга олишнинг ягона электрон платформасини яратиш масаласи ҳам кўриб чиқилиши айтиб ўтилди.

**Раҳим ШЕРҚУЛОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

## Тадбир

*Инсон хотираси билан тирик, қадр билан улуғ. Ўтганларни, уларнинг хайрли ишларини, жасоратини ёд олмоқ, эъзозламоқ халқимизга хос фазилатлардан.*

# Қадр инсонни юксалтиради

Шайхонтоҳур туманидаги 19-умумтаълим мактабида Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан ўтказилган ижодий учрашувда бу алоҳида таъкидланди. Унда фахрийлар, ўқитувчилар ҳамда ўқувчилар қатнашди.

Тадбирда хотира ва қадрлаш асл миллий қадриятларимиздан экани таъкидланди.

Фахрийлар ўз ҳаёти, Иккинчи жаҳон уруши йилларида халқимиз бошидан кечирган заҳматлар, фронт ортидаги машаққатли меҳнат жараёни ҳақида ёшларга сўзлаб берди.

Мактабнинг “Шодиёна” тўгараги аъзолари томонидан тайёрланган шеърлар, куй-қўшиқлар ва рақслар тадбирда йиғилганларга хуш кайфият улашди.

Учрашувда фахрийларга эсдалик совғалар топширилди.

**Адиба УМИРОВА.**

РЕКЛАМА ЎРНИДА







Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 548. 26 617 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 71-233-52-55;*
*Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

· МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — З. Худойшукуров.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.55 Топширилди — 01.15 1 2 3 4 5 6